
Бешариқда қарздор 58 млн. сўм алиментни олдиндан тўлади

Бюронинг Бешариқ тумани бўлими томонидан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 18.12.2021 йилдаги буйруғига асосан қарздор Ш.С.дан ундирувчи М.С. фойдасига икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлиб, қарздор алиментларни вақтида тўлаб келган. Давлат ижрочиси томонидан алимент ундириш давомида қарздорга қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгач қарздор Ш.С. жорий йилнинг 29 июль куни ундирувчи М.С. билан ўзаро келишиб, Ўзбекистон Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан келиб чиққан ҳолда икки нафар фарзандлари учун 2026 йил 1 июль кунига қадарли бўлган 57.700.000 сўм алимент пулларини олдиндан тўлаб берди.

2022-07-29 19:53:26